

Амнистия акти мазкур акт эълон қилингунга қадар содир этилган жиноятларга нисбатан қўлланилади. Апелляция инстанцияси суди эса, судланганнинг аҳволини қандай тарзда бўлмасин, оғирлаштириши мумкин эмас.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг 2012 йил 15 августдаги ҳукмига асосан, С. Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "а" банди билан 5 йил, 139-моддаси 3-қисми "г" банди билан 1 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 5 йил 6 ой озоликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жазонинг ўталмаган қисми 2002 йил 3 декабрь, 2003 йил 3 декабрь, 2004 йил 3 декабрь, 2005 йил 2 декабрь, 2006 йил 30 ноябрь ҳамда 2007 йил 30 ноябрдаги амнистия актларига асосан тегишли тартибда қисқартирилган.

Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди апелляция инстанциясининг 2012 йил 30 октябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилиб, ҳукмнинг С.га нисбатан тайинланган жазони 2002 — 2007 йиллардаги амнистия актларига асосан қисқартириш қисми бекор қилиниб, ўташ учун 5 йил 2 ой 14 кун озоликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилган.

Амнистия актларини қўллаш тартибига мувофиқ, амнистия акти амнистия акти эълон қилингунга қадар содир этилган жиноятларга нисбатан қўлланилади. Агар шахс бир неча жиноятларни содир этганликда айбдор, деб топилган ва унга жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинланган бўлса, унга нисбатан охириги жиноятдан кейин эълон қилинган амнистия актлари татбиқ этилиши мумкин.

Суднинг ҳукмидан кўринишича, С. 2002 йилда Б.ни алдаб, унинг мулкини 2002-2004 йилларда фирибгарлик йўли билан қўлга киритган. С. Б.нинг вафотидан сўнг квартира ва пулларни Б.нинг қариндошларига

қайтармаслик мақсадида, 2011 йилнинг 31 январь куни А.га нисбатан тухмат қилган.

Бироқ суд С. тухматдан иборат жиноятни 2011 йилда содир этганлигига эътибор бермай, Б.га нисбатан фирибгарлик жиноятини 2002 йилда содир этганлигидан келиб чиқиб, унга нисбатан 2002-2007 йиллардаги амнистия актларини татбиқ қилиб, нотўғри хулосага келган.

Жиноят процессуал кодексининг 494-моддасига мувофиқ, оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги муносабати билан ёхуд жазонинг энгиллиги учун жабрланувчи томонидан шикоят берилган ёки прокурор томонидан протест билдирилган ҳоллардагина ана шу асослар бўйича апелляция ёки кассация тартибида ҳукм бекор қилиниши ва иш янгидан судда кўриш учун юборилиши мумкин.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарори ўн тўққизинчи банди иккинчи хатбошисида, судларга шикоят(протест) ким томонидан берилганлигидан қатъий назар, Жиноят процессуал кодексининг 494-моддасига мувофиқ, суд ўз қарори билан жазони кучайтиришга, шунингдек, оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллашга ҳақли эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги "Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" қарорининг ўттинччи бандида, агар суд амнистия акти қўлланилиши мумкин бўлмаган маҳкумга нисбатан қўллаган бўлса, апелляция, кассация инстанцияси жабрланувчининг шикояти ёки прокурор протести бўлган тақдирда, назорат инстанцияси суди эса, суд раиси ёки прокурорнинг протести асосида суд қарорларининг жазо тайинлаш қисмини бекор қилиб, жиноят ишини янгидан судда кўриб чиқиш учун юбориши мумкинлиги кўрсатилган.

Бироқ апелляция инстанцияси суди биринчи босқич судининг хатосини тўғри аниқлаган бўлса-да, юқорида қайд этилган қонун талаби ҳамда Олий суд Пленуми қарорларида берилган тушунтиришларга риоя этмай, ҳукмдан С.га нисбатан қўлланилган амнистия актларини чиқариб ташлаб, унга ўташ учун 5 йил 2 ой 14 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосини қолдириб, С.га нисбатан тайинланган жазони оғирлаштирган.

Бундан ташқари апелляция инстанцияси суди Жиноят процессуал кодексининг 22-моддаси талабларига зид равишда, С.нинг айбсизлиги ҳақида кўрсатмаларига баҳо бериш ҳамда апелляция тартибида келтирган шикоятдаги ҳар бир важни атрофлича текшириш чораларини кўрмаган.

Оқибатда, суд қарорлари Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан бекор қилиниб, жиноят иши янгидан судда кўриш учун юборилди.

Назорат иши № ЖСҲ-65-13